

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯЗДОНОВ ЗИКИРИЛЛО ШУКУРИЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ АНЪАНАЛАРИНИ
ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданият назарияси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавние автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Яздонов Зикирилло Шукуриллоевич

Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва
ривожлантириш тенденциялари 3

Яздонов Зикирилло Шукуриллоевич

Тенденции возрождения и развития традиций узбекской
национальной экологической культуры 19

Yazdonov Zikirillo Shukurilloevch

Tendency of revival and development of traditions of the
Uzbek national ecological culture 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯЗДОНОВ ЗИКИРИЛЛО ШУКУРИЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИ АНЪАНАЛАРИНИ
ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданият назарияси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal95. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қарабаев Усмон Ҳосилович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қулдошев Аслиддин Турсунович
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____соат __даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари тараққиётининг ҳозирги босқичида вужудга келган инсон ва табиат ўртасидаги номутоносибликни олдини олишнинг энг муҳим вазифаларидан бири бу – ҳар бир инсоннинг экологик маданиятини юксалтириш ҳисобланади. Зеро, бугунги ҳаво ҳароратини исиб бориши, озон қатламининг сийраклашиши, биологик хилма-хилликларнинг камайиши, халқ хўжалигининг кимёлаштирилиши, саноат чиқиндиларининг кўпайиши, ер, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, умуман “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг бузилишида буни яққол кўриш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда ҳар бир кишининг экологик маданиятини янги тенденциялар орқали юксалтириб бориш давр талабидир.

Дунё илм-фанида халқлар этноэкологияси, этноэстетик муносабатларининг табиат ҳодисалари ва кундалик турмуш тарзини уйғунлаштириш, экологик онг ва маданиятнинг халқлар фольклорида акс этишини тадқиқи бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, анъанавий халқ экологик маданияти яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шакллари аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқ экологик маданиятининг тасарруфида унинг асосий соҳалари, жумладан, халқ донишмандлиги, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, байрам-маросим маданияти, халқ ўйинлари, халқ ижоди, халқ табobati каби комплекс этномаданий фалсафий мерос шаклланган. Шу сабабли табиат ва инсон эҳтиёжлари уйғунлиги муаммосини ўрганиш, халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик онг ва маданиятни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. ...бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”.¹ Шу сабабли республикаимизда экология соҳасида таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари аҳволини яхшилаш билан бир қаторда ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш бугунги кунда объектив зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5-устувор йўналиши 5.1 бандидаги (аҳоли генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш) вазифаларни, Ўзбекистон

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.- Б. 570.

Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ–4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 31 майдаги ПҚ–3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик муаммоларни олдини олиш ва уни бартараф этиш масалаларини тадқиқ қилиш жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини доимий равишда жалб этиб келади. Хусусан, хориж олимлари Ж.Сессион¹ – инсониятнинг табиий жараёнларга аралашинининг фалсафий моҳиятини, Б.Коммонер – замонавий технология ва мулкчиликнинг табиат бойликларига зарар етказиши масаласини, А.Печчеи инсоннинг ҳақиқий гуманист, замонавий киши бўлиши учун табиатни муҳофаза қилиши зарурлигини, А.Швейцер «экологик этика» муаммосини, А.Нисс «радикал экологизм» тушунчасини, А.Урсул – экологик муаммоларнинг хавфсизлик ва барқарорликка боғлиқлигини илмий асослаган.

МДХ мамлакатлари олимларидан Н.Абаев, К.Герасимова, А.Железнов кабилар халқ экологик маданияти ва анъаналарини, Н.Моисеев «экологик императив» ғоясини, А.Сычев – инсон табиатга маънавий масъуллигининг тарихий трансформациясини; В.Волченко – ХХI аср дунёқараши ва экоэтикаси шаклланишида фан, фалсафа ҳамда дин алоқадорлигини, А.Абузаид – этиканинг экологик функцияларини, К.Ермилов – техноген цивилизация экологиясига оид турли йўналишларда тадқиқот олиб борганлар. Улардан Д.Калабухов² – экологик маданиятнинг маданий-антропологик асосларини ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг шарт-шароитлари масаласига доир изланишлари бошқалардан ажралиб туради.

Табиат ва жамият муносабатларини уйғунлаштириш, шахс экологик онги ва маданиятини ошириш масалаларини қатор ўзбек олимлари ўрганиб келмоқдалар. Бу борада Б.Зиёмухамедов, А.Кидирбаева, С.Мамашокиров, Д.Сафаров, И.Солиев кабиларнинг экологик фаоллик, экологик онг, экологик назорат, экологик маданият ва уларни шакллантириш бўйича қилган ишларини келтириш мумкин. Экологик маданиятнинг методологик,

¹ Sessions, G. (ed). Deep Ecology for the Twenty-first Century. Boston: Shambhala, 1995.;

² Кулабухов Д..А. Экология культуры: культурно-антропологические аспекты. Дис ... канд. филос. наук. – Белгород, 2007. – 148 с.

ижтимоий-фалсафий, маданий-ахлоқий масалалари А.К.Айматов¹, А.К.Бердимуротова², С.Давлетов, Х.А.Джуракулов, Б.Н.Омонов, М.Примов, С.С.Сангинов, А.Т.Кулдошев кабиларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган турли соҳа олимлари томонидан экологик маданиятнинг ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик, ижтимоий-фалсафий, маданий-ахлоқий масалалари ўрганилган бўлсада, айнан ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарининг замонавий экомуаммоларни ҳал қилишга кўмак берадиган тенденциялари фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари диалектикаси” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тадқиқ этиш, уларни тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларини аниқлаш ҳамда экомуаммоларни ҳал қилишга кўмак берадиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ экологик маданияти анъаналарининг илмий-методологик асослари, фалсафий моҳияти, хусусиятлари ва муаммоларни аниқлаш;

табиат ва маданият уйғунлиги асосида пайдо бўлган халқ анъаналарини табиий-маънавий қадрият сифатида тадқиқ этиш ва уларни экологик тарбиянинг муҳим омили сифатида таҳлил этиш;

ўзбек халқ экологик маданиятининг эволюцияси, ривожланиши, анъаналари ва тажрибаларини ўрганиб, бу борадаги ютуқларни умумлаштириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

коинот, табиат, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсига оид миллий анъаналарни таҳлил қилиш, йил фаслларига бағишланган тарихий экобайрамлар тизимини тиклаш ва уларни эҳтиёж мавжуд жойларда раванқ эттириш йўллари топиш;

ўзбек халқ экомданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш бўйича назарий-амалий тенденцияларни аниқлаш ҳамда бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек халқ экологик маданияти анъаналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек халқ экологик маданиятининг анъанавий ва замонавий тажрибасидан ижодий фойдаланиш йўллари ва ривожлантириш тенденцияларини илмий асослаш билан белгиланади.

¹ Айматов А. Шахс табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онгнинг роли.(DSc) дисс.автореферати. Самарқанд: 2019. – 29 б.;

² Бердимуротова А. Проблемы экологического кризиса в Приаралье (социально-политический аспект). Автореф. дисс. к.ф.н. – М., 1993.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, социал кузатув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«табиат-жамият-инсон» тизимининг имманент мутаносиблигини таъминлашда ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарининг роли экомаданият (экологик эътиқод, экологик муносабат, экологик фаолият) категориялари асосида очиб берилган;

ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарининг эволюцияси ва тарихий тажрибаларини экологик таълим технологиялари ҳамда халқаро экологик жараёнларга татбиқ этишда шахснинг табиатга маънавий масъуллигини оширувчи омиллар (медиа лойиҳалар, дидактик воситалар) асосида унинг бирлаштирувчи, селектив, етакловчи ва уюштирувчи каби имкониятлари аниқланган;

ёшлар экологик онги ва маданиятини ривожлантиришда ижтимоий борлиқдаги дифференциал ёндашувнинг (экологик фаоллик, масъулият, бурч сингари) сифатлари билан ўзбек халқ экологик маданияти таркибидаги “халқ эътиқоди”, “этнопедагогикаси”, “байрам-маросим маданияти”, “халқ ўйинлари” каби ижтимоий ментал хусусиятларининг диалектик алоқадорлиги асослаб берилган;

табиат билан халқ маданияти уйғунлиги асосида пайдо бўлган халқ экологик маданияти анъаналарининг ёшлар экодунёқарашини юксалтириш омили эканлиги социал кузатиш воситасида исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ишнинг натижаларидан давлат органлари, экологик жамоат ташкилотларининг соҳага оид дастурларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган;

ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарининг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан фалсафа, эстетика, маданиятшунослик, этнология, аксиология, экология, социология фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – диссертацияда баён қилинган таклифлар экомаданиятни тарғиб этувчи кўرғазма заллари,

галереялар, музейлар, маданий-маърифий муассасалар, халқ ижодиёти уйлари, маданият саройлари, миллий-маданий марказлар, маҳаллалар, таълим-тарбия даргоҳлари, ижодий уюшмалар, ассоциациялар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденциялари бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий фалсафий таклифлар асосида:

«табиат-жамият-инсон» тизимининг имманент мутаносиблигини таъминлашда ҳудудлар экологик соҳасида юзага келадиган муаммоларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш назарияси ва амалиётига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга кўмаклашиш” номинацияси бўйича “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли гарант лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган. Хусусан, мазкур грант режасининг 11-бандида кўзда тутилган “Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш”ни амалга ошириш доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 3 апрелдаги 11-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли экологик маданиятини ривожлантиришда устувор аҳамият бериш керак бўлган вазифаларни аниқлаб олишга хизмат қилган;

ўзбек халқ экологик маданиятининг локал, регионал ва глобал муаммолари ва унга инсон (антропоген) омилининг таъсирига оид фикр-мулоҳазаларидан, хулоса ва таклифларидан “Жамоатчилик назорати”, “Экологик назорат” тўғрисидаги, “Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим Концепцияси”нинг ижросини таъминлашда ва экологик билимларни кенг тарғиб қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 02-02/8-601-сон маълумотномаси). Натижада, таълим муассасалари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида экологик таълим тарбияни ва билимларни кенг тарғиб қилишга хизмат қилган;

ўзбек халқ экологик маданияти таркибидаги халқ эътиқоди, этно-педагогикаси, байрам-маросим маданияти, миллий ўйинлар асосида аниқланган тенденциялар бўйича назарий-амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасини чора-тадбирлар режасининг “Янги туризм йўналишлари, маҳсулотлари ва мошрутларини ишлаб чиқиш ҳамда ички туризмни ривожлантириш йўналишлари” деб номланган V бандини шакллантиришда ҳамда “Маданий-кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш йўналиши” деб номланган VI бандида белгилаб қўйилган тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 29-майдаги 02-22/4119-сон маълумотномаси). Натижада,

Ўзбекистон Республикаси минтақаларида ўтказилган тадбирлар, давра суҳбатлари ва экотуризмни ривожлантиришга, экомаданиятни тарғиб этувчи кўرғазма заллари, галереялар, музейлар, маданий-маърифий муассасалар, халқ ижодиёти уйлари, туризмни ривожлантириш департаменти фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

табиат ва халқ маданияти уйғунлиги асосида пайдо бўлган халқ экологик маданияти анъаналари, табиий-маънавий қадриятларига доир тақлиф-тавсияларидан, илмий хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилоят бўлимидининг 2019 йилга мўлжалланган дастурий режасининг 5-бандига киритилган маданият ва санъат ташкилотлари билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси умумхалқ байрамлари доирасида ўтказиладиган “Маърифат” тарғиботчилари жамияти билан ишлаш жараёнида ҳамда муҳим тарихий саналар йўналишида ўтказиладиган тадбирларда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2019 йил 9 июлдаги 02/07-932-19-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида бугунги ёшлар тарбияси мазмунини халқ экологик маданияти қадриятларига садоқат руҳи билан бойишига, янгилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (7 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-методологик асослари, фалсафий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари**» деб номланган биринчи бобида экомаданиятнинг илмий-назарий асослари, методологик-фалсафий негизлари, моҳияти, хусусиятлари ҳамда экологик маданиятнинг глобал, регионал ва локал муаммолари тадқиқ этилган.

Табиат кишилик жамиятининг ва тараққиётининг барча босқичларида инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарурий энергия ва моддалар манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биринчи бобда коинот, атроф-муҳит, «бирламчи табиат» ва «иккиламчи табиат», экология, экологик билим, экологик онг, экологик эътиқод, экологик муносабат, экологик фаолият, экологик маданият, экологик инқироз, ижтимоий экология тушунчалари, табиат билан жамият ўртасида вужудга келган қарама-қаршиликлар таҳлил этилди.

Одам биологик тур, тирик мавжудот сифатида ҳаётий фаолияти давомида табиатга таъсир этади, уни ўзгартиради. Кейинги бир аср давомида биринчи табиат билан иккинчи табиат ўртасидаги зиддиятларнинг чуқурлашиб кетиши жиддий экологик муаммоларни юзага келтирди. Айниқса, XIX аср охири ва бугунги глобаллашув даврида фан ва техниканинг ривожланиши, халқ хўжалигини ва кундалик турмушни кимёлаштириш, ер юзида аҳоли сонининг кескин кўпая бориши оқибатида табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, ер, сув ва ҳавонинг инсон ҳаётига зарарли даражада ифлосланиши натижасида экологик танглик пайдо бўлди.

Экологик танглик инсоннинг моддий ва маънавий ҳаёт асосларини ишлаб чиқариши жараёнида намоён бўлади. Бунда экологик сиёсат бир томондан, «табиат-жамият-инсон» тизимидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатларда ёрқин акс этиб, ўз тарихий даврининг моддий ишлаб чиқариш хусусиятларидан ажралиб қолмайди. Иккинчи томондан экологик сиёсат натижасида вужудга келган «табиат-жамият-инсон» тизимининг имманент мутаносиблиги, биосфера мувозанати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини акс этдиради.

Жамият ривожланиш даражасини белгилаб берувчи сиёсий муносабатлар мажмуаси – инсоннинг табиатни муҳофаза қилишдан иборат экологик фаолиятининг асоси ҳисобланади. Бу ҳолда экологик муносабатларнинг нисбатан мустақиллиги хусусий ҳодиса эмас. Аслида «табиат-жамият-инсон» тизимидаги амалий муносабатлар экологик сиёсат ёрдамида бошқарилади. Шунга кўра, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий муносабатларни, экологик борлиқни ялпи экологик тафаккурдан, экологик сиёсатдан айрича олиб қараш ва ўрганиш мумкин эмас. Зеро, экологик маданият шунчаки бирор талафотни бартараф этувчи тадбир бўлмасдан, инсонларнинг давр талабидаги комиллик савиясини белгиловчи бир мезон бўлиб қолмоқда.

Экологик маданият «табиат-жамият-инсон» тизимидаги қисмларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирадиган, инсониятга борлиқдаги барча мавжудотларнинг диалектик боғлиқлигини англадиган, атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундайдиган ва шу орқали бутун коинотни таназзулдан сақлашга хизмат қиладиган фалсафий-ахлоқий категориядир.

Муайян ҳудуд аҳолисининг кўплиги ёки камлиги ҳар доим ҳам экологик ҳолатининг яхши ёки ёмонлигини белгилайвермайди. Чунки айрим ривожланган мамлакатларнинг аксарият мегаполисларидаги экологик вазият ўша шаҳарларда яшаётган аҳолининг экологик маданияти юксаклиги туфайли барқарордир. Экологик маданият даражасининг юқори ёки

пастлиги, атроф-муҳитга таъсири ўзини маҳаллий, минтақавий ва глобал миқёсларда намоён қилади.

Кейинги йилларда энг оғриқли глобал экологик муаммолардан бири сифатида ҳаво муҳитининг ифлосланиб, иқлимнинг ўзгариб бориши муаммоси юзага келди. Шунингдек, бугунги кунда инсониятга чучук сув захираларининг камайиб бориши, Орол денгизининг қуриши, экиладиган ерларнинг эрозияга учраши, ўрмонларнинг кесилиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиб кетиши, дарёлар, денгизлар ва океанлар сувларининг шафқатсизларча ифлослантирилаётгани каби глобал экологик хавфлар таҳдид солмоқда. Бу каби камчиликлар атроф-муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир этиб, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Мана шу сабаблар нафақат табиий муҳитни, балки ижтимоий муҳитни ҳам ёмонлаштирмоқда.

Кундалик ҳаётимизда кўпинча локал экологик муаммоларнинг юзага келишига экологик норма ва меъёрларнинг кўпол равишда бузилаётгани, экологик маданият даражасининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Оламдаги барча мавжудотларнинг соғломлиги, барқарор таракқий этишида ҳаво, сув, тупроқнинг мусоффолиги муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз миқёсида ҳар учала табиат ҳодисасига хос локал экологик муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, статистик маълумотлардан мамлакатимиз фукараларининг атроф-муҳитга ўтказаётган босимининг салбий натижаларини сезиш, англаш қийин эмас.

Мамлакатимиз энг фаол сейсмик минтақалардан бирида жойлашгани сабабли турли табиий офатларни олдиндан башоратлаш усулларини ривожлантиришни, уларга тайёр туриш ва уларга мувофиқ равишда ҳаракатланишни, улар келтириб чиқарадиган экологик фожиаларнинг олдини олишда ёки хавфи ва оқибатларини камайитиришда аҳолининг халқ экологик анъаналари ҳақидаги билимини ва рўй бериши мумкин бўлган офат тўғрисидаги хабардорлигини оширишни талаб этади.

Мазкур хулосалардан келиб чиқиб, экологик маданиятга доир тадқиқотларда илмийлик ва рационалликни қарор топтириш; биологик, социологик ва фалсафий-ахлоқий тадқиқотларни кенгайтириш; экологик маданиятга оид махсус плакатлар, ижтимоий рекламалар, видеороликлар, ҳужжатли ва бадиий фильмлар ишлаб чиқарилиши, ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилишини тақоза этади.

Диссертациянинг «**Табиатни кадрлаш замирида вужудга келган ўзбек халқ экологик маданияти анъаналари**» деб номланган иккинчи бобида коинот ва геомаданият билан боғлиқ халқ тасаввурлари ва экологик анъаналари, ўсимлик дунёси билан боғлиқ ўзбек халқ одатлари, ҳайвонот оламига оид халқ удумлари тадқиқ этилган.

Қоя ва ғорлардаги чизги-тасвирлар қадимги одамларнинг бизга қолдирган “хотира китоблари” ҳисобланади. Бу ерга чизилган расмлардан шуни англасак бўладики, одамларнинг табиат ҳақидаги тушунчалари энг қадим даврларданок шакллана бошлаган. Ибтидоий одамлар, аввало, табиий ғорлардан (масалан, Тешиктош ғори), стихияли тарзда пайдо бўлган ертўлалардан, чайлалардан турар жой сифатида фойдаланганлар.

Меҳнат тақсимоти пайдо бўлиши билан қадимги одамлар чорвачилик ва деҳқончилик маданиятларини эгаллай бошлашлари ўз навбатида шу соҳага оид одат ва маросимларни ҳам шакллантира бошлайди. Деҳқонлар ҳаётидаги энг қувончли воқеа бу ҳосилни йиғиб-териш олиш, янги ноз-неъматларни татиб кўриш жараёни бўлган. Йил бўйи кутиладиган бу қувончли воқеа натижасида меҳнат жараёнларини акс эттирадиган ўйин ва маросимлар вужудга келган.

Бронза даврларидан бошлаб эса ўтроқ деҳқончилик вужудга келиши ва унинг тез ривожлана бошлаши натижасида иккита анъана – биринчидан, баҳорги меҳнат мавсумига киришиш, иккинчидан кузда ҳосилни йиғиб-териш ишлари яқунланишига бағишланган маросимлар – байрамлар пайдо бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу байрамларнинг барчаси табиат билан бевосита боғлиқ бўлиб, янгича яшаш, деҳқончилик ва экологик маданиятнинг яққол ифодасидир. Айниқса, аждодларимиз бундан минглаб йиллар илгари табиат сирларини сезгир техника ўрнига ўзларининг ақл кўзлари билан яхши пайкагани кишини ниҳоятда лол қолдиради. Чунончи энг умри узун байрам Наврўз ғоят астрономик аниқлик билан белгиланиши, яъни йилнинг кун билан тун тенг келиб кунлар исий бошлайдиган, ерга ташланган донлар униб чиқадиган кунга тўғри келиши ғоят хайратланарли ҳолдир. Мана шу ҳолнинг ўзидан табиат билан инсоний удумлар ва маданият уйғунлаша бошлаши жуда қадим замонлардан бошланган жараён эканлиги яққол кўзга ташланади. Бундан қадимги одамларнинг онги ривожлангани сари табиат сирларини чуқурроқ тушунишга, экологик маданиятини оширишга интилганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу тажриба, аввало одамларнинг яшаб қолишлари учун зарур бўлган. Масалан, сел келадиган, дарё тошадиган кунларни билиш атрофда содир бўладиган кўнгилсиз воқеаларни олдини олишга ёрдам берган. Бунинг учун табиатни нафақат онги билан, балки қалби билан идрок этиши зарур бўлган. Натижада инсон онгида тушунчалар, қалбида эса эътиқодлар пайдо бўлган. Ишончли эътиқод ва тушунчалар уйғунлашиб одамларда табиат билан муомала қилиш маданиятини пайдо қилган.

Қадимги одамлар табиатнинг фарзандлари бўлганларини англагани сабабли яратилган оламнинг асосий унсурларини қадрлаганлар. Масалан, зардуштийлик дининг муқаддас китоби “Авесто”да табиатнинг тўрт унсури: қуёш, ер, ҳаво, сувни тириклик манбаи, бебаҳо қадрият сифатида билиб, уларга бағишлаб маросимлар ўтказишган.

Қадимги одамлар табиатга, аввало, ўзларининг эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ёндошганлар. Одамлар учун тўйимли егулик бўлган, куч, саломатлик бахш этган табиатнинг турли ҳосилалари, унсурлари ҳам улар учун муқаддас ҳисобланган. Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги одамлар ўсимликларга жуда катта эъзоз билан қараганлар. Уларнинг назарида бу ҳудудда ўсадиган чинор, мажнунтол, арча, тут, ёнғоқ, анор, наъматак, исирик каби ўсимликларда сеҳрли қудрат бўлган. Баъзи эл ва элатлар яшайдиган ҳудудларда табиий унсурлардан фойдаланиш мавсуми маросим даражасига айланиб кетган. Жумладан, кумга, лойга, тузга тушиб даволаниш, «ядда тоши» ёрдамида ёмғир чақириш, исирик солиш каби маросимлар қадимдан одамларнинг табиатга бўлган илоҳий муносабатларининг ифодаси сифатида ўз аксини топган.

Аждодларимиз ҳайвонот дунёси билан алоҳида муносабатда бўлиб, у ҳам ҳаётӣ эҳтиёж ва кундалик турмуш тарзи мобайнида шаклланган. Ўрта Осиёда яшаган эл ва элатлар орасида қадим замонлардан буён бўри, ит, хўроз, кўчқор, кийик, алқор каби жониворлар, қалдирғоч, бургут (лочин), лайлак, оққуш, каптар каби қушлар муқаддас ҳисобланган. Овчилик ва чорвачилик билан машғул бўлган ибтидоий одамлар қабиласининг ҳар бири бирор жонзотни қадрлаганлар ва унга ихлос билдирганлар. Уруғларнинг баъзилари отни қадрлашса, баъзилари бургутга эҳтиром билдиришган, яна баъзилари кийикни ўз уруғининг асосчиси деб билганлар. Бундай одатлар қадимий аждодларимиздан ҳозирга қадар етиб келган бўлиб, айрим элатларда мавжуддир. Бу жонзотлар уруғлар томонидан муқаддас саналиб уларга алоҳида эҳтиром билдирилган.

Қадимги эътиқодлар одамларнинг табиат сирларини тушуниш учун кўйилган дастлабки қадамлардир. Бунинг натижасида тушунча ва эътиқодлар, жумладан, табиий нарсаларнинг сеҳрига ишониш каби фетишистик қарашлар, ўсимлик ва ҳайвонлар илоҳий кучига сиғиниш каби тотемистик одатлар, жон ва руҳ образидаги кучларга ишониш сингари анимистик эътиқодлар, табиат унсурлари – қуёш, олов, ер, сув қабиларга сиғиниш каби полетеистик анъаналар, сув, шамол ва бошқа табиий ҳодисаларга таъсир этиш каби магик ҳаракатлар вужудга келди.

Юқоридаги хулосалар асосида ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини комплекс тадқиқ этиш; жаҳон халқларининг экологик маданиятга доир тажрибаларни илмий-ижодий ўрганиш; экологик маданият тарихини акс эттирувчи кўргазмаларни, галереяларни ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек халқ экологик маданияти анъаналаридан фойдаланиш имкониятлари ва уларни ривожлантириш тенденциялари**» деб аталади. Мазкур бобда табиат ва маданият уйғунлигига кўмак берувчи экологик қадриятларни тиклаш, тараққий эттириш йўллари ҳамда муаммолари, шунингдек, ўзбек халқ анъанавий ва замонавий экологик маданиятини ривожлантириш тенденцияси масалалари тадқиқ этилган.

Анъанавий халқ экологик маданиятини яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш учун унинг мазмуни, асосий кўринишларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, халқ экологик маданиятининг асосий соҳаларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Анъанавий халқ экологияси этномаданият тизимининг деярли барча кўринишлари билан боғланиб ва уларнинг таркибига сингиб кетган. Жумладан, халқ донишмандлиги, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, байрам-маросим маданияти, халқ ўйинлари, халқ ижоди, дам олиш маданияти, халқ пазандачилиги, халқ меъморчилиги, халқ табобати каби кўплаб соҳалар табиат ва экология масалалари билан узвий боғлиқ бўлган.

Халқ экологик маданиятининг мазмуний асосини – халқ донишмандлиги ёки бошқача айтадиган бўлсак, **халқ экологик фалсафаси** ташкил этади. Экологик маданиятнинг бу қисми халқнинг табиат, атроф-муҳитга оид ғоя, фикр, тушунчалари, тасаввурлари, дунёқарашларини акс эттиради. Экологияга оид халқ донишмандлигини биз суҳбат-мулоқотларда, кексаларнинг панду насихатларида, аҳоли ўртасидаги машҳур ибораларда,

афоризмларда кўпроқ учратишимиз мумкин. Ҳатто инсон маданиятининг илк шакли – халқ ўйинлари ҳам айнан табиатдаги қарама-қаршиликни акс эттирган. Кейинчалик улар томоша сифатида ривож топиб, халқ ўйинига айланиб кетган кураш(олишув), қувлашмачоқ, пойга, “кўкбўри», «қизқувди» кабилар дастлаб табиат зиддиятларини, қиш ва кўклам ўртасидаги курашни ифодалаган.

Халқ экологик маданиятининг бошқа кўринишлари – халқ эътиқоди табиий қадриятларни эъозлаш, халқ педагогикаси – экотарбияни олиб бориш, байрам-маросимлар – йил фасллари, табиатдаги муҳим ҳодисаларни нишонлаш, дам олиш маданияти – атроф-муҳитга зарар етказмасдан ҳордиқ чиқариш, халқ пазандачилиги – табиий маҳсулотлардан тансиқ таомлар таёрлаш, халқ табобати – табиий унсурлар, доривор ўсимликлар, гиёҳлар ёрдамида касалларни даволаш каби вазифаларни бажаради.

Ҳар бир байрам, анъана, тадбир табиатимизни асраб-авайлашга, уни мусаффо кўринишда авлодларга етказишга ёрдам беради. Натижада фуқароларнинг табиатга зарар етказмасдан мазмунли ва мароқли дам олишлари учун шароит яратилади ҳамда экологик муаммоларни чуқур тасаввур қила оладиган комил инсонлар тарбиялаш ғоясини амалга ошириш мумкин бўлади. Инсоннинг комиллиги ва маданияти табиатга бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. Олмон олими И.Кант табиатни инсон ахлоқи билан боғлаб тушунтираркан шундай дейди: «кимники бевосита табиат гўзаллиги қизиқтирса, бу унинг фикрлаш тарзида, йўқ деганда, ахлоқийликка, эзгуликка қобилияти мавжудлигидан далолат беради».¹

Марказий Осиё худудидаги халқлар, шу жумладан ўзбек халқи ҳар қандай шароитда ҳам тежамкорлик маданиятига амал қилади. Бу – меҳнат сарфланадиган барча маҳсулотларга, кундалик ҳаётга тегишлидир. Халқ орасида бу маданиятни қисқача, «увол» деб номлайдилар. Табиат ресурслари бўлмиш сув, тупроқ, ўсимликлардан бемақсад, ҳаддан ташқари фойдаланиш ҳам увол ҳисобланади. Ахлоққа зид ҳаракатлар, яъни одамнинг ҳаддан зиёда еб-ичиши, табиат ашёларидан катта бойлик орттириш йўлида беаёв фойдаланиши, ўт-ўланларни пайҳон қилиши – буларнинг ҳаммаси увол ҳисобланади. Шунинг учун ўз вақтида Абдурауф Фитрат барчани огоҳликка чақириб шундай ёзган эди: «Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар олам тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир».² Ҳозирги пайтда борган сари кам ишлатилаётган бу тушунча одамларнинг ким бўлишларидан қатъи назар, барча қатламлари учун баб-баробар тааллуқли. Увол қилмаслик, ҳаддан ошмаслик, тежамкор бўлиш, баъзилар ўйлаганчалик хасислик белгиси эмас. Тежамкорлик юксак даражадаги маънавий маданият белгисидир.

Ўзбек халқида сувни ифлос қилиш, айниқса унга туфлаш катта гуноҳ ҳисобланади. Ҳар бир одатнинг туб сабаби бўлгани сингари бу одатнинг ҳам ўз сабаблари бор. Бугунги кунга келиб, ичимлик суви катта муаммолардан бири бўлиб турганда мана шу каби қадимий удумларимизни,

¹ Кант И. Сочинения в 6 т. Т.5. М., «Мысль», 1966. – С. 314.

² Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар: 6 жилдлик. – Т.: Маънавият, 2010. – 136 б.

тажрибаларимизни, табиат билан мулоқот маданиятимизни тикласак муайян ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин.

Бугунги кунда ҳар бир фуқарода халқимизнинг табиат унсурларига бўлган азалий эҳтиром ва меҳр-мурувватни тиклаш ишини йўлга қўйиш; сувга, ерга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр ва шафқатни ҳар бир ёш фуқарода инсоний маданият тарзида мужассам этиш учун ҳаракат бошлаб юбориш; табиат ва инсонлар эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган Наврўз, Меҳржон байрамларини янада мукамал савияга кўтариш, Сув сайили ва Сада байрамларини замонавий ўзанда тиклаш ишларини олиб бориш; Гул байрами ва қушлар байрамини мунтазам, юксак замонавий савияда ўтказишни ташкил этиш; деҳқонларнинг соҳа байрамларини миллий анъаналар асосида, мукамал дастур билан мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш; мактабларда экологиядан сабоқ бериш ва бу дарсларда халқимизнинг табиат билан боғлиқ қадимий маданий тадбирлари, анъаналари чуқур ўргатиш; табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, давлат кўмиталари ва экологияга оид барча ташкилотлар бевосита фуқаролар билан амалий иш олиб бориши; табиатнинг тўрт муқаддас унсури – ер, сув, нур ва ҳаво доим инсон эъзозиди бўлишига эришиш зарур.

ХУЛОСА

XXI аср инсоният учун ғоят маъсулиятли давр ҳисобланиб, бунда «табиат-жамият-инсон» муносабатларининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйилди. Аммо ёшлар орасида табиатга, жамиятга бўлган эгоистик муносабатнинг оммаланиб бораётганлиги, айниқса, «оммавий маданият» хуружига қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш заруратини юзага келиши, мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб бермоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотда ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарига онтологик ёндашувни юзага келтириш, унинг эволюциясидаги дифференциал ўзгаришларига, ёшларнинг экодунёқарашини юксалтириш тенденцияларига гносологик муносабатни билдириш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Халқ экологик маданиятини тиклаш ва ривожланиш тенденцияларини топиш, фуқаролар, айниқса ёшлар турмуш тарзига сингдириш механизмларини ишлаб чиқиш, бу йўналишдаги чора-тадбирларни оқилона ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат шаклини ўрнатишга қаратилган муқобил фалсафий таълимотларнинг умумий хулосаларига таяниш глобал институционал тизими шаклланишига боғлиқ бўлиб, бу унинг мукамал назарий методологик асосларини ишлаб чиқиш билан аҳамиятлидир.

2. Бугунги кунда ўзбек халқ экологик маданиятини сақлаб қолиш даражалари, унинг дифференциаллашиш жараёни билан белгиланмоқдаки, натижаси объектив реалликда «табиат-жамият-инсон» ўртасидаги ички боғланишларни, алоқадорликларни мантикий изчил ёритишни талаб этмоқда. Чунки, ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш муаммолари табиатни муҳофаза қилишнинг утилитар, прагматик-позитив эҳтиёжи билан чегараланиб қолмайди, аксинча, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлари мажмуасини ривожлантиришнинг илмий-назарий, методологик асоси ҳисобланади.

3. Ўзбек халқ экологик маданиятини тиклаш, унинг ривожланиш қонунларини ўрганиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий даражаси билан боғлиқ бўлиб, жаҳон миқёсида тобора ифлосланиб бораётган табиий муҳитни асраш, биосферанинг экологик мувозанатига таъсир қилувчи антропоген омиллар родини кўрсатиш, бу жараёнда нафақат ижтимоий, иқтисодий, балки сиёсий вазиятнинг ҳам детерминантлашиш ҳолатини аниқлаш ва амалий ечимларини топиш, ўз тарихий шакллариغا ҳамда босқичларига эга.

4. Ўзбек халқ экологик маданиятини тиклашга қаратилган тадқиқотлар биринчидан, табиатга антропоген таъсир кўрсаткичларининг эмпирик материалларини умумлаштиришни; иккинчидан, моддий ва маънавий меросга ретроспектив йўналишдан ёндашувни; учинчидан, “табиат-жамият-инсон” муаммосини ўрганишда, биосфера, экологик мувозанат ҳақидаги ахборотлар базасини дастурлаштиришни, лойиҳалаштиришни ҳамда турли экологик назорат идоралари тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

5. Бутунги кунда мамлакатимизда экологик маданиятни тиклаш, мавжуд тизимни барқарорлаштириш, яъни табиий атроф муҳитни соғломлаштириш чора тадбирлари бўйича амалга оширилаётган ишлар гарчи давлат миқёсида кўрилатганлигига қарамадан, экологик онг, экологик маданият тушунчаларига бўлган муносабат ҳануз пассивлигича қолмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ табиат ва жамият ўртасидаги корреляцион алоқадорлик номутаносиб даражада ривожланаётганлигини кўриш мумкин. Ушбу жараёни бартараф этиш учун аввало ёшларга экологик таълим бериш тизимини янада ривожлантириш зарур. Чунки экологик таълим тарбиянинг энг асосий функцияси – ёшларнинг кундалик ҳаёт фаолиятларида табиат ва жамиятга нисбатан, улар ўртасида юзага келаётган зиддиятларни назарий асослаш, уларнинг амалий ечимларини мустақил топишга йўналтиришда кўринади.

6. Ўзбек халқи экологик маданиятини тиклаш ва ривожлантириш биринчидан мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижаси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан ҳозирги замон цивилизацияси тараққиёти талабларига мос келадиган ва юксак шарқона ўзбек маданиятига асосланган табиатни муҳофаза қилишнинг ўзига хос умуминсоний тамойилларини шакллантиришда кўринади. Шу нуқтаи назардан, халқимизнинг табиатни муҳофаза қилишга доир қадриятларини амалдаги экологик таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотлари тамойиллари билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.

7. Экологик маданиятга доир тадқиқотларда илмийлик ва рационалликни қарор топтириш, муаммога оид биологик, социологик ва фалсафий-ахлоқий тадқиқотларни, табиат ва маданият уйғунлигига оид изланишларни кенгайтириш ва турли ракурсларда олиб бориш – соҳадаги муаммоларни ҳал қилишга кўмак беради.

8. Халқ экологик маданиятини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларига фалсафий ёндашувни амалга ошириш биринчидан, миллий экологик маданиятнинг мазмуни ва мақсадларини омма назарида янада аниқ ҳамда тушунарли бўлишига; иккинчидан, миллий экологик

дунёқарашимизнинг умумижтимоий фикрдаги ўрни ва мавқеининг мустаҳкамланишига; учинчидан, Ўзбекистонда барпо этилаётган янги демократик жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий асосларини мустаҳкамланишига ҳамда шахслараро, айниқса ёшлар онгида ўзига хос юксак экологик фалсафий тафаккур маданиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Юқорида келтириб ўтилган хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтишни жоиз топдик:

Биринчидан, ўзбек халқи экологик маданиятини тиклаш ва ривожлантиришнинг миллий тараққиёт манфаатларига мос комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарур. Бу дастурда жамият ҳаётининг барча соҳаларига, хусусан ёшлар экологик маданиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммоларини самарали ҳал қилиш йўллари, бу борадаги ишларнинг моддий-молиявий ва техник-технологик таъминоти, тарғибот-ташвиқотнинг имкониятлари ўз ифодасини топиши лозим.

Иккинчидан, аҳоли қатламларининг экологик маданият элементларига бўлган талаб-эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, уларни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, кишиларни улардан баҳраманд қилишда маданий муассасаларни кенг жалб қилиш, экологик таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот олиб боришнинг институционал тизимини такомиллаштириш, уларни сифат жиҳатидан янги даражаларга чиқариш зарур. Бу борадаги илмий-назарий ва ташкилий-амалий масалаларга доир илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда доимий мониторинг ишларини олиб борилишини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали халқ экологик маданиятини тарғиб этувчи, унинг долзарблигига қаратилган кўрсатувларни кенгайтириш, ушбу мавзу юзасидан кўп тармоқли ахборотларни холис етказиш ишларини мунтазам олиб бориш, асрлар давомида ўзбек халқининг миллий менталитетига айланиб кетган кадриятларини (экологик маданиятни) тиклаш ва ривожланиш тенденцияларини белгилаш мумкин.

Тўртинчидан, ўзбек ва жаҳон халқлари экологик маданияти тарихи ва кадриятларини акс эттирувчи мавсумий кўرғазмалар, галереяларни ташкил этиш, шунингдек, ўқув муассасалари, хусусан мактаблардаги «жонли бурчак»лар фаолиятини янада жонлантириш, «экологик маданият дурдоналари» кўрғазмаларини уюштириш экомаданиятни тарғиб қилиш ва ёш авлоднинг қалбига сингдиришда энг самарали услубдир.

Бешинчидан, республиканинг барча ҳудудларида табиий муҳит ва шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий анъаналарини ўзида акс эттирадиган, экологик хавфсиз қурилиш материаллари асносида намунавий экоқишлоқ ва экомаҳаллалар барпо этишни тавсия этамиз. Бу тадбир ўз навбатида мамлакатимизда халқаро туризимни янада кенгроқ жалб этишнинг амалий ифодаси ҳисобланиб, жаҳон миқёсида экомаданият анъаналаримизга бўлган қизиқишни орттириш, юртимизга келадиган туристлар сонининг ортишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЯЗДОНОВ ЗИКИРИЛЛО ШУКУРИЛЛОЕВИЧ

**ТЕНДЕНЦИИ ВОЗРОЖДЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ТРАДИЦИЙ
УЗБЕКСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

**09.00.02– Философия форм сознания, культуры и практики
(теория культуры)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрировано Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Fal95.

Докторская диссертация выполнена Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного Совета (www.samdu.uz), а также в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Карабаев Усмон Хосилович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор

Кулдошев Аслиддин Турсунович
доктор философии (PhD) по
философских наук

Ведущая организация:

**Каршинский государственный
университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного Совета по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете № DSc.27.06.2017.F.02.02 от “_____” _____ 2019 года в _____ часов. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главное здание, 1 этаж, 105 аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № _____). Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации распространен “_____” _____ 2019 года.
(протокол реестра № _____ от “_____” _____ 2019 года).

Б.О.Тураев,

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор.

Х.А.Джуракулов,

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н.

К.Н.Назаров,

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из важнейших задач предотвращения дисгармонии между человеком и природой, возникшей на настоящем этапе прогресса народов мира – считается повышение уровня экологической культуры каждого человека. Поскольку глобальное потепление, нарушение озонового слоя, уменьшение биологического разнообразия, использование большого количества химикатов в народном хозяйстве, рост уровня промышленных выбросов, загрязнение почвы, воды и воздуха, в целом, нарушение отношений «природа – общества – человек» - все эти проблемы являются ярким проявлением этого. С этой точки зрения, в настоящее время повышение экологической культуры каждого человека путем формирования новых тенденций является велением времени.

Проводится множество научно-теоретических исследований по гармонизации повседневного образа жизни людей с природными явлениями, по изучению отражения экологического мышления и культуры народного фольклора. Особенно важное значение приобретает изучение традиционной экологической культуры народа в качестве единого и многогранного явления, определение его структуры, основных видов, форм. Так как в рамках экологической культуры народа сформировались такие комплексы этнокультурного философского наследия, как народная мудрость, народные верования и убеждения, народная педагогика, культура праздников, обрядов и церемоний, народные игры, народное творчество, народная медицина, которые являются её основными сферами. Все эти причины определяют необходимость разработки тенденций возрождения и развития традиций экологической культуры узбекского народа.

В нашей стране уделяется особое внимание дальнейшему росту экологического мышления и культуры, которые являются важным субъективным фактором сохранения устойчивой экологической ситуации, оберегания чистоты окружающей среды и рационального использования природных ресурсов. Президент Республики Узбекистан указал, что «самая важная задача – мы должны серьёзно задуматься, как повысить экологическую культуру населения. ... этого можно достичь путём воспитания в душе молодого поколения любви к природе, чувства причастности к ней»¹. Поэтому в нашей Республике наряду с улучшением учебно-воспитательной и агитационной работы в сфере экологии, в настоящее время объективной необходимостью является разработка и совершенствование научно-теоретических основ тенденций возрождения и развития экологических культурных традиций узбекского народа.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, которые определены в пункте 5.1 (предотвращение экологических проблем, причиняющих ущерб генофонду населения) пятого

¹ Мирзиёев Ш.М. Решительно продолжим наш путь национального прогресса, и поднимем его на новый уровень. – Тошкент, «Узбекистон» НМИУ, 2017. 570 с.

приоритетного направления «Стратегии действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», утвержденной Указом Президентом Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, а также решению задач, установленных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4956 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления в сфере культуры и спорта» от 15 февраля 2017 года, №УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» от 21 апреля 2017 года, Постановлением Президента № ПП-3022 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства» от 31 мая 2017 года, и другими нормативно-правовыми актами, имеющими отношение к теме исследования.

Соответствие исследования ведущим направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства, и пути их реализации”.

